



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ: ЎЗИГА ХОС ХУСИЯТЛАРИ, АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

Ниматов Шерзод Ниматжонович

ИИВ Академияси Ташкилий-штаб фаолияти кафедраси ўқитувчиси
майор

ARTICLE INFO

Received: 14th November 2023

Accepted: 19th November 2023

Online: 20th November 2023

KEY WORDS

Ички ишлар органлари,
криминоген вазият, таҳлил
қилиш, ахборот-таҳлил
фаолияти.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ички ишлар органларининг криминоген вазиятни таҳлил қилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, соҳада ахборот-таҳлил фаолиятининг ўрни ҳақида муаллиф томонидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ахборот-таҳлил фаолияти ҳар қандай жамиятда ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида доимо амалга ошириб келинган. Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга бўлган эҳтиёжнинг тобора кучайиб бораётгани давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда механизмларни жорий этилишини белгилаб берди. Бу эса жамиятдаги долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибаларни доимий таҳлил қилиб боришнинг илғор усуллари яратилишга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигини билдиради.

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика Ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлисида анжуман қатнашчиларига: «қилинган ишга доир ҳисоботларга берилмасдан, асосий диққат-эътиборни мавжуд камчиликлар ва уларнинг илдизларини пухта таҳлил қилишга қаратиш зарурлиги» ҳақида таъкидлаганлар.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 августдаги «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3919-сонли қарорнинг қабул қилиниши ички ишлар органларининг бошқарув, таҳлилий-ҳуқуқий ва прогнозлаш фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда унинг механизмларини жорий этишнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлди.



Ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида аниқланаётган амалий муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва криминоген вазиятни прагнозлаш жараёнлари бевосита ахборот-таҳлил фаолиятига оид «ахборот», «таҳлил», «фаолият», «прагнозлаш», «ахборот-таҳлилий таъминот услубияти» ва «ахборот-таҳлилий иш» каби асосий тушунчаларни ўзлаштириш ва уларни тўғри қўллашга боғлиқ ҳисобланади.

Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда *ички ишлар органларининг ахборот-таҳлил фаолияти* – бу ички ишлар органи бошлиғининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек ички ишлар органининг бошқа вазифаларини амалга оширишда кечиктириб бўлмайдиган, асосланган ва омилкор бошқарув қарорларини ишлаб чиқилишини таъминлашга қаратилган фаолияти ҳисобланади.

Ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширишнинг зарурати ва мажбурийлиги амалдаги қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларида ҳуқуқий тартибга солинган бўлиб, мазкур нормаларнинг ижросини нафақат ахборот-таҳлил фаолияти функцияси юклатилган субъектлар томонидан, балки ички ишлар органларининг барча бўғиндаги таркибий тузилмалари томонидан ҳам таъминланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун нормаларини келтириш мумкин, мазкур қонун билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган. Мазкур Қонуннинг 10-моддасига биноан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини амалга оширишда ахборот-таҳлил фаолиятининг функциялари қўлланилади. Мазкур функцияларнинг қўлланилиши, **биринчидан**, мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганишга, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилишини самарали таҳлил қилишга; **иккинчидан**, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашга ва уларни бартараф этишга; **учинчидан**, ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг аниқ ҳисобини юритишга, мазкур маълумотларнинг таҳлилинини амалга оширишга хизмат қилади.

Ички ишлар органларининг ахборот-таҳлил фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни бошқариш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятини ташкил этишнинг мураккаблиги: **биринчидан**, ҳудуддаги оператив вазиятни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва тўғри баҳолашга; **иккинчидан**, мазкур фаолиятни ўз вақтида ва самарали режалаштиришга; **учинчидан**, фаолиятни амалга оширишда оператив вазиятга қараб мунтазам равишда тактик усулларни ўзгартиришга; **тўртинчидан**, фан ва техника янгиликларидан ўз вақтида самарали фойдаланишга; **бешинчидан**; ахборот-таҳлил



фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдаги илғор тажрибаларни кенг жорий этишга боғлиқ бўлади.

Ички ишлар органлари бошқарув субъектларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда самарали фаолият олиб боришлари эса ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятини тўғри ташкил этишга, таҳлил фаолиятига оид вазифаларни аниқ белгилаб берилишига, ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятини ташкил этишда ва ахборотларни йиғишда бошқа бўлинмалар ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигини самарали таъминлашга боғлиқ жараён ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида республикамизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий база шаклланди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали фаолияти натижасида мамлакатда ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланиб, криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди.

Жиноий ҳодиса ва жараёнларнинг турли кўринишдалиги, жиноятчиликнинг ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғлиқлиги бу салбий ижтимоий ҳодисани комплекс таҳлил этишни, шу жумладан келажакда жиноятчиликнинг даражаси ва тузилишида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини ҳам ўрганишни тақозо қилади.

Умуман олганда жиноятчиликни башорат қилиш криминология фани ўрганадиган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. «Прогноз» – грекча «prognosiya» сўзидан олинган бўлиб, «олдиндан кўриш», яъни олдиндан илмий башорат қилиш маъносини англатади.

Республикамиз бозор иқтисодиёти тизимига ўтаётган бир вақтда келажакда жиноятчиликнинг ҳолати, даражаси, тузилиши ва динамикасида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини олдиндан билиш аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўтмишдаги ва ҳозирги жиноятчилик ҳолатини таҳлил қилмасдан туриб, келажакда жиноятчиликда қандай сифат ва миқдор ўзгаришлари бўлиши мумкинлигини башорат қилиш қийин.

Содир этилаётган жиноятларни башорат қилишда маълум бир давр мобайнида тахмин қилинаётган вазиятлар билан бирга, шу вақтдаги тенденциялар ҳам эътиборга олиниши муҳимдир.

Жиноятчиликни башорат қилишда бутун республика миқёсида бўлаётган ва бўладиган ўзгаришларни эътиборга олиш билан бирга, муайян ҳудудлардаги ўзига хослик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий аҳвол ҳам эътиборга олиниши лозим.

Бизга аёнки жиноятчилик индивидуал ва ижтимоий жараёнлар доирасида юз беради. Жиноятчилик жамиятнинг ривожланиб бориши билан биргаликда муттасил равишда сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгариб боради.

Жиноятчиликни башорат қилишда кенг жамоатчиликнинг жиноятчиликка бўлган муносабати ҳам жуда муҳим ҳисобланади, аҳолининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасида кўрилаётган чора-тадбирларга муносабати, содир этилиш эҳтимоли бўлган ёки содир этилган жиноятлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришга тайёрлиги каби масалалар эътиборга олиниши керак.



Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва тарбиясини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги 466-І-сон (29.08.1997.)¹

Жиноятчиликни башорат қилиш келажакда содир бўладиган барча тасодиф, ўзгаришларни тўлиқ ва аниқ эътиборга ололмайди. Лекин, шунга қарамай, башорат қилиш орқали келажакда жиноятчиликнинг даражаси, тузилиши ва динамикаси ҳақида ҳақиқатга яқин бўлган маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Криминоген вазиятни олдини олишда профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқатворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлиб, суҳбат давомида шахснинг ўзига хос хислатлари, турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший шароитлари, ғайриижтимоий хулқ-атвори ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

Профилактика суҳбатини қўллашда ҳамма вақт шахснинг жамиятдаги юриш-туришида криминоген потенциалнинг мавжудлигини аниқлаш ҳамда унинг ўзи бунга англаб етишига эришиш муҳим ҳисобланади². Бу борадаги хорижий тажрибага асосланиб, профилактика суҳбатини ўтказиш жойи, вақти ва давомийлиги уни қўллаётган субъект томонидан белгиланиши ҳамда унинг тахминан бир соат давом этиши, бу жараёнда кўргазмалар воситалар ва видеотасвирлардан фойдаланилиши тавсия этилади.

Хулоса ўрнида, амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини бермоқда. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади.

References:

1. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги 466-І-сон (29.08.1997 й.) қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 227-м.

2 Энциклопедия современной юридической психологии / Под общей редакцией профессора А. М. Столяренко, 2002 г. / [Электронный ресурс]. — Режим доступа: — URL: <http://determiner.ru/dictionary/993> (дата обращения: 18.07.2022).



2. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
3. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
4. Юлдашев Д. Х. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим жиҳатлари //журнал правовых исследований. – 2020. – Т. 5. – №. 2.
5. Юлдашев Д. Х. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш амалиёти натижалари таҳлили //Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. – 2021. – С. 38.
6. Юлдашев Д. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилишини ёки бошқа давлатга берилишини таъқиқловчи миллий нормалар таҳлили //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 4. – С. 7-9.
7. Юлдашев Д. Ўзбекистонда фуқаролик олиш тартиби соддалаштирилишининг аҳамияти //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 79-85.
8. Насиллоев А. ИИО ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқбузарлигининг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқли жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 223-226.
9. Зиёдуллаев М., Абдуллаев Ф. Ички ишлар ишлар органлари маъмурий чеклаш чораларини қўлловчи субъект сифатида //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 16-18.
10. Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Некоторые вопросы дальнейшей либерализации лицензионно-разрешительных процедур для отдельных видов деятельности //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.
11. Худайбердиев А., Исроилов О. Ички ишлар органлари томонидан оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини таъминлашнинг зарурати //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 74-83.
12. Тастанбекова Г. Ҳуқуқни шарҳлашнинг моҳияти ва юридик табиати //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 9-11.
13. Тастанбекова Г., Инагамова М. Янги Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим жиҳатлари //Общество и инновации. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 136-141.
14. Тастанбекова Г. Ҳуқуқни шарҳлаш асосларида баъзи категорияларнинг моҳияти ва мазмуни //Ta'lim fidoyilari. – 2022. – Т. 22. – №. 7. – С. 407-411.